

O'zbekiston Respublikasi, 100029, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
tel.: (0-371) 252-21-18, faks: (0-371) 256-47-97, E-mail: [info@sfp.uz](mailto:info@sfp.uz), [www.kasaba.uz](http://www.kasaba.uz), [sfp@exat.uz](mailto:sfp@exat.uz)

№ БМ - 16/1051

«06 » сентябрь 20 21 yil

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Қорақалпоғистон  
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент  
шахар кенгаши раисларига

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021 йил 18 майдаги “Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга касаба уюшмалари стипендиясини ажратиш ҳамда касаба уюшма аъзоси бўлган фаол ёшлар учун санаторийларга бепул йўлланмалар бериш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 3-06 “с”-сонли Раёсат қарори маълумот ва ижро учун юборилмоқда.

Мазкур қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга стипендия тайинлаш тўғрисида”ги ва “Касаба уюшмаси аъзоси бўлган фаол ёшларни Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси тизимидағи санаторийларда соғломлаштириш тўғрисида”ги Низомлар асосида тегишли ишларни амалга оширишингизни ҳамда натижаси юзасидан белгиланган муддатларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига маълумот тақдим этишингизни сўраймиз.

Илова: 8 варакда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси ўринбосари

Б. Махмадалиев

ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
**ИЖРОИЯ ҚҮМИТА**

**2021 йил 18 май**

O'ZBEKISTON  
KASABA UYUSHMALARI  
FEDERATSIYASI  
**IJROIYA QO'MITA**

ҚАРОРИ  
QARORI

Тошкент ш.  
Toshkent sh.

N<sup>o</sup> 3 - 06 "с"

**Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга касаба уюшмалари стипендиясини ажратиш ҳамда касаба уюшма аъзоси бўлган фаол ёшлар учун санаторийларга бепул йўлланмалар бериш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойларда жамоа келишувлари ва шартномаларига “Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар” бўлими киритилиб, ёш ишчи - хизматчилар учун аниқ ва кафолатли имтиёзлар берилмоқда.

Бу каби ишларни давом эттириш, шунингдек, олий таълим муассасалари ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшларни рағбатлантириб бориш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-кувватлаш ва соғликларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия Қўмитаси қарор қиласди:

**1. “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга стипендия тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом 1-иловага, “Касаба уюшмаси аъзолари бўлган ёшларни Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси тизимидағи санаторийларда соғломлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиклансин.**

**2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари:**

бир ҳафта муддатда 1 ва 2-иловадаги Низомлар асосида худудий комиссиялар тузиш;

календарь режалар тузган ҳолда, стипендиялар тайинлаш бўйича номзодларни кўриб чикишни ҳар йили октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига якунлаш;

комиссиялар ишини холислик ва шаффоғлиқ асосида ташкил этишни таъминласинлар.

Низом асосида берилган номзодларни шакллантириш, комиссиялар фаолиятини ташкил этилиши ҳамда ҳаққонийлиги учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

**3.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ѓшлар билан ишлаш бўлими (У.Закирлаев) стипендия тайинлаш ва санаторийларга йўлланмалар ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириб, худудий кенгашлар берган номзодлар рўйхатини Федерация раисига тақдим этиши белгилансин.

**4.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Молия бўлими (Ж.Ҳамзаев) стипендиялар учун маблағлар ажратилишини, тегишли худудий кенгашлар билан ўзаро ҳисоб-китоб килинишини ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасида кўзда тутилишини таъминлаш;

**Ижтимоий сурита бўлими** (Н.Ишанханова) билан биргаликда санаторийларда бепул соғломлаштириш учун мазкур қарорнинг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомга мувофик худудий кенгашлар ҳисобидан маблағ ажратилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

**5.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 30 октябрдаги “Олий таълим муассасаларида таҳсил оладиган фаол ёшларга Касаба уюшмалари стипендиясини таъсис этиш ва санаторийларга бепул йўлланмалар ажратиш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 8-93 “с”-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**6.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев ҳамда Ѓшлар билан ишлаш бўлими мудири У.Закирлаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси

  
К. Рафиков

Ўзбекистон КУФК  
Ижроия Кўмитасининг  
2021 йил "18" майдаги  
3-06-е-сонли қарорига  
1-шлова

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан олий таълим  
муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга стипендия тайинлаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қондалар**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг стипендияси (кейинги ўринларда "стипендия" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасидаги касаба уюшмаси ташкилоти мавжуд олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан олти ой муддатга тайинланади.

Стипендияга - ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, таълим муассасаси ва касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган талабалар олий таълим муассасасининг касаба уюшмаси кўмитаси қарорига асосан тафсия этилишлари мумкин.

2. Стипендия ҳар бир ҳудуддан 1 (бир) нафардан, республика бўйича жами 14 (үн тўрт) нафар талабага берилади.

Истисно тариқасида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси томонидан стипендияга лойик деб хисобланган ёшларга белгиланган квота (14 та)дан ташқари стипендия тайинланиши мумкин.

**II. Номзодлар томонидан стипендияга ҳужжатларни  
тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш**

3. Стипендияга номзодларни танлаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қоракалпогистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида (кейинги ўринларда "худудий кенгашлар" деб юритилади) стипендия тайинлаш комиссияси тузилади.

4. Касаба уюшмалари стипендияси:

ўкув режаларини етарли даражада ўзлаштирган ҳамда чин етим, етим, ногирон;  
ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ оила фарзанди;  
таълим муассасаси ва касаба уюшмаси фаолиятида фаол;  
бошқа кўшимча стипендия олмаётган талабаларга берилади.

5. Номзодлар ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси касаба уюшмаси кўмитасига қўйидаги:

иловага мувофиқ тўлдирилган номзод анкетаси;

фукаролик паспортининг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 2 дона рангли фотосурат;

рейтинг дафтарчасидан нусха;

ногиронлиги, етимлиги ёки ижтимоий муҳофазага муҳтоҷлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

6. Олий таълим муассасаси касаба уюшмаси кўмитаси номзодлардан келиб тушган ҳужжатларни алоҳида жилдга жойлади, ҳар бир жилд муқовасида ОТМ номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, курси, гурухини кўрсатади.

7. Стипендияга ҳужжат топширган номзодлар олий таълим муассасаси илмий (педагогик) кенгаши билан касаба уюшмаси қўмитасининг қўшма мажлисларида мухокама этилади ва **йилнинг 30 сентябрига қадар** кенгашнинг стипендия тайинлаш комиссиясига номзодларнинг ҳужжатлари ҳамда қўшма мажлис баёни тақдим этилади.

Худудда иккитадан ортиқ олий таълим муассасаси мавжуд бўлган худудий кенгашларга ҳар бир олий таълим муассасасидан бир нафардан кўп бўлмаган номзод тақдим этилиши зарур.

8. Тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда номзоднинг комиссия ҳузурида берган маълумоти худудий кенгашнинг стипендия тайинлаш комиссияси томонидан **10 октябрга қадар** кўриб чиқилади.

Стипендияга муносиб кўрилган 1 (бир) нафар номзод танлаб олинади ва худудий кенгашнинг ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

9. Стипендия тайинланадиган ёшлар рўйхати қоида тариқасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳар йили 30 октябринга қадар тасдиқланади. Стипендия ҳар бир талабага республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам микдорининг 2 (икки) бараварида белгиланади ва келгуси календарь йилнинг январь оидан бошлаб олти ой муддатда ойма-ой тўланади.

10. Стипендиялар худудий кенгашлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали ажратилади ва буни йиллик даромадлар ҳамда харажатлар сметасида кўзда тутади.

11. Стипендия бир талабага факат бир маротаба берилади ва электрон базага киритилади. Стипендия олган талабанинг рўйхатга қайта киритилмаслигига худудий кенгаш раҳбари шахсан жавобгар ва масъул ҳисобланади.

### **III. Стипендиантларни тақдирлаш**

12. Комиссия хулосасига кўра стипендияга лойик деб топилган талабани тасдиқлаш хақидаги худудий кенгаш ижроия қўмитасининг қарори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ҳар йили **20 октябрга қадар** тақдим этилади.

13. Худудий кенгашлар ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқлаган ва тақдим этган рўйхатлар (стипендиантларни) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ёшлар билан ишлаш бўлими умумлаштиради ва уларга махсус сертификатлар тайёрлайди.

14. Ёшларга “Касаба уюшмалари стипендианти” сертификатлари “11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” байрами арафасида тантанали тарзда топширилади.

### **IV. Якуний қоидалар**

15. Касаба уюшмалари стипендиасини тайинлашга доир барча таклиф ва мулоҳазалар худудий кенгашларнинг комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

16. Касаба уюшмалари стипендианти ойда бир марта касаба уюшмаси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиши ёки унинг тадбирларида иштирок этиши зарур (тасдиқловчи ҳужжатлар кенгашга тақдим этилади), 2 ой давомида мазкур йўналишдаги ҳаракатсизликлар стипендия беришни тўхтатишга асос бўлади.

17. Талабаларнинг касаба уюшмалари стипендиасини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ СТИПЕНДИЯСИГА  
НОМЗОД АНКЕТАСИ

---

---

номзоднинг фамилияси, исми, шарифи

3,5 x 4,5 расм

**Олий таълим муассасаси ҳақида маълумот:**

Муассаса номи: \_\_\_\_\_

Факултет (йўналиши): \_\_\_\_\_

Курс / гурӯҳи: \_\_\_\_\_

**Номзодга қисқача тавсифнома:**

---

---

---

---

**Шахсий маълумотлар:**

Тугилган куни, ойи, йили \_\_\_\_\_ Тугилган жойи \_\_\_\_\_

Паспорт серияси \_\_\_\_\_ раками \_\_\_\_\_ берилган вақти \_\_\_\_\_

Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_

Доимий яшаш манзили \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**Телефон рақами:**

Мобил: (+998)9 \_\_\_\_\_, (+998)9 \_\_\_\_\_

Уй: (+998) \_\_\_\_\_

Туғилган сана \_\_\_\_\_

Шахсий имзо \_\_\_\_\_

Ўзбекистон КУФК  
Ижроия Кўмитасининг  
2021 йил “18” майдаги  
3-06 с-сонли қарорига  
“ 2-илова ”

**Касаба уюшмаси аъзоси бўлган фаол ёшларни  
Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацииси тизимидағи санаторийларда  
соғломлаштириш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси тизимидағи санаторийларда ёшларни соғломлаштириш тартиби тўғрисида” бўлиб, (кейинги ўринларда “Низом” деб юритилади) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг Ёшларга оид сиёсати Концепциясининг устувор йўналишидан келиб чиқсан холда, касаба уюшмалари аъзоларидан ёшларни, шунингдек ижтимоий муҳофазага муҳтож олий таълим муассасалари талабаларини (кейинги ўринларда “ёшлар” деб юритилади) кўллаб-кувватлаш ва рафбатлантириш, уларнинг саломатликларини тиклашга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Низом 20 ёшдан 35 ёшгacha бўлган касаба уюшмалари аъзоларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси тизимидағи санаторийларда (кейинги ўринларда “санаторий” деб юритилади) бепул соғломлаштириш учун йўлланма берини ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

**II. Санаторийларда бепул соғломлаштириладиган  
ёшлар рўйхатларини шакллантириш**

3. Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иктисодий, хукукий манфаатларини химоя килишда фаоллик қўрсатиб келаётган касаба уюшмаси фаоллари, ёш ходимлар ва болаликдан ногирон бўлган, етим ёхуд ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни санаторийларда бепул соғломлаштириш ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг Қоракалпогистон, вилоятлар ва Тошкент шахар кенгашларининг (кейинги ўринларда “худудий кенгашлар” деб юритилади) касаба уюшмаси ва ижтимоий сугурта бюджети маблаглари хисобидан амалга оширилади.

Худудий кенгашлар томонидан тақдим этиладиган, санаторийда бепул соғломлаштириладиган ёшларнинг сони бир йилда хар бир худуддан бир нафардан, жами 14 нафар этиб белгиланади.

4. Санаторийларда бепул даволаниш учун ёшлар номзодларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси раиси томонидан истисно тариқасида қўшимча номзод тавсия этилиши мумкин (белгиланган 14 нафар номзоддан ташкари).

5. Номзодларни танлаш учун худудий кенгашларда йўлланма ажратиш комиссияси тузилади.

6. Соғломлаштириш учун бепул йўлланма:

Олий таълим муассасаси, корхона ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг хулосасига кўра:

ижтимоий муҳофазага муҳтож оиланинг фарзанди, ёки болаликдан ногирон (мехнатга лаёкатли) ёхуд етим;

корхона, ташкилот ва муассаса касаба уюшмаси ҳаётидаги фаол ёшларга берилади.

**7.** Номзодлар ўзлари ишлаётган корхона, ташкилот ёки таҳсил олаётган олий таълим муассасаси касаба уюшмаси қўмитасига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

фуқаролик паспорти нусхаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 2 дона рангли фотосурат;

ногиронлиги, етимлиги ёки иқтисодий ахволи ҳакида олий таълим муассасаси, корхона ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг хulosаси;

соғломлаштиришга мухтожлиги тўғрисида тиббий хulosса;

бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларидағи касаба уюшмалари қўмиталарининг ёшлар билан ишлаш комиссиялари ёки ёшлар ташкилотчиси тавсияномаси.

**8.** Корхона, ташкилот ва муассаса касаба уюшмаси қўмитаси номзодлардан келиб тушган хужжатларни алоҳида жилдга жойлади, ҳар бир жилд муковасида корхона, ташкилот ёки олий таълим муассасаси номи, номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, факультети, курси, гурухини кўрсатади.

**9.** Йўлланма олиш учун хужжат топширган номзодларнинг иқтисодий ахволи, соғломлаштиришга мухтожлиги корхона, ташкилот ва муассаса касаба уюшмаси қўмитасининг йигилишида мухокама этилади ва **жорий йилнинг 5 октябрига қадар** ҳудудий кенгашнинг йўлланма ажратиш комиссиясига номзодларнинг хужжатлари ва йигилиш баёни тақдим этилади.

**10.** Тақдим этилган хужжатлар ҳудудий кенгашнинг йўлланма ажратиш комиссияси томонидан **ҳар йили 10 октябр қунига қадар** кўриб чиқилади.

**11.** Ҳудудий кенгашлар ҳар йили **20 октябрга қадар** кейинги йилда санаторийларда бепул соғломлаштириш учун тавсия этиладиган ёшлар рўйхати ва тавсия хатини, соғломлаштиришнинг муддати (оий)ни ҳамда санаторий номини кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тақдим этади.

Санаторийда соғломлаштириш учун бепул йўлланмалар биринчи навбатда шифокорларнинг хulosасига кўра соғломлаштиришга мухтож, етим, чин етим, иқтисодий начор оиласларнинг фарзандлари бўлган ёшларга берилади.

Ушбу низомга асосан бепул йўлланма бир шахсга факат бир маротаба берилади. Йўлланма олган шасхнинг рўйхатга қайта киритилмаслигига ҳудудий кенгаш раҳбари шахсан жавобгар, масъул хисобланади.

**12.** Санаторийларда бепул соғломлаштириш учун тавсия этилган номзодларнинг умумий рўйхати **ҳар йили 30 октябрга қадар** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланади.

**13.** Ёшларга санаторийларда бепул соғломлаштириш бўйича сертификатлар “11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” байрами арафасида тантанали тарзда топширилади.

**14.** Тасдиқланган рўйхат ҳудудий кенгашларга ҳар йилнинг 30 ноябригача етказилади, улар эса ўз навбатида рўйхатга киритилган ёшларни соғломлаштириш муддати ҳакида хабардор киладилар.

### **III. Санаторийларда соғломлаштириш учун бепул йўлланма бериш ва ундан фойдаланиш тартиби**

**15.** Бепул йўлланмалар ҳар йили тасдиқланган рўйхатга асосан ҳудудий кенгашлар томонидан берилади.

Худудий кенгаш раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси санаторийларга берилган йўлланмаларни алоҳида “Йўлланмаларни рўйхатга олиш китоби”да акс эттиради. Мазкур китобнинг вараклари рақамланиб, тикилади ва худудий кенгаш раиси томонидан имзоланиб муҳрланади.

Йўлланма факат берилган шахс учунгина ҳакиқий ҳисобланади.

**16.** Ёшлар санаторийларда соғломлаштириш учун тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган муддатларга қатъий риоя этган ҳолда қабул қилинадилар.

Йўлланма олган шахс объектив сабабларга кўра, белгиланган муддатда санаторийга келишининг имкони бўлмаган холларда, бу ҳакида худудий кенгашни соғломлаштириш муддати бошланишидан камида 10 кун аввал хабардор киласи.

Бундай ҳолда санаторий билан келишиб даволаниш муддати шу йилнинг бошқа муддатига ўтказилиши мумкин.

Йўлланма муддати бир йилда бир маротаба ўзгартирилиши мумкин.

#### **IV. Санаторийларда ёшларни соғломлаштириш ишлари учун маблағ ажратиш**

**17.** Санаторийларда ёшларни соғломлаштиришга маблағлар:

- касаба уюшмалари аъзолари (ишловчи ёшлар) учун худудий кенгашларнинг ижтимоий сугурта бюджети маблағлари ҳисобидан;
- Олий таълим муассасаси талабаларига худудий кенгашларнинг касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан ажратилади.

#### **V. Якуний қоидалар**

**18.** Соғломлаштириш учун қабул қилинган ёшлар санаторийда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишлари шарт.